

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.
27.06.2017.Qx/V.12.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КУРБАНОВ АБДУЛЛА РУХУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА АФРИКА ЛАҚҚА БАЛИҒИНИ
(CLARIAS GARIEPINUS) ЕТИШТИРИШНИНГ БИОЛОГИК ВА
ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Курбанов Абдулла Рухуллаевич

Ўзбекистон шароитида Африка лаққа балиғини (*Clarias gariepinus*)

етштиришнинг биологик ва технологик асослари.....3

Курбанов Абдулла Рухуллаевич

Биологические и технологические основы культивирования африканского сома (*Clarias gariepinus*) в условиях Узбекистана.....19

Kurbanov Abdulla Rukhyllaevich

Biological and technological basis for the cultivation of African catfish (*Clarias gariepinus*) in Uzbekistan.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....38

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.
27.06.2017.Qx/V.12.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

КУРБАНОВ АБДУЛЛА РУХУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА АФРИКА ЛАҚҚА БАЛИҒИНИ
(CLARIAS GARIEPINUS) ЕТИШТИРИШНИНГ БИОЛОГИК ВА
ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx74 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.samqxi.uz) ҳамда «ZiyoNet.uz» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аширов Мурадилла Ишанкулович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Холмирзаев Дўстмухаммад,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Рузиев Раҳмонқул Истамович,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети.

Диссертация ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017 Qx/V.12.02 рақамли фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг «___» _____2018 йил, соат “___” даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140103, Самарқанд ш, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. Тел.: +99866 234-07-86 e-mail: sai_info2@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд ш, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. Тел.: +99866 234-07-86 e-mail: sai_info2@edu.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунлари тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Б.Давлатов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, вет. ф.д., профессор.

А.С.Даминов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, вет.ф.д., доцент.

Ш.Р.Умаров,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.-х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини турмуш даражасини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва хўжалик юритишни яхшилашда балиқ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва балиқчиликни ривожлантириш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда балиқчилик соҳаси дунё бўйлаб миллионлаб инсонларни иш билан таъминлаб, жамиятнинг иқтисодий ривожланишидаги муҳим манбаларидан бирига айланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) маълумотларига кўра, дунё бўйича 2014 йилда 167,2 миллион тонна балиқ маҳсулоти ишлаб чиқарилган, шундан овлаш орқали 93,4 миллион тонна, аквакультурада эса 73,8 миллион тонна етиштирилган¹.

Дунё балиқлар фаунаси бўйича тадқиқотлар ер юзиде кенг тарқалган ва ишлаб чиқариш учун қулай бўлган балиқ турларини етиштиришнинг биологик ва технологик усулларини яратишга, уларнинг тарқалиши, тур таркиби, муҳит шароитларига мослашиши, пуштдорлик хусусиятларини баҳолашга қаратилган. Бу борада ер юзининг турли минтақаларида учрайдиган, сунъий сув ҳавзаларида самарали кўпайтирилаётган лаққасимонлар оиласидан (*Clariidae*) Африка лаққа балиғи (*Clarias gariepinus*) алоҳида аҳамиятга эга. Бу тур вакиллари тез етилиши, юқори зичликда ўстирилганда атмосфера ҳавосидан нафас олиши, сувдаги эриган кислород минимал бўлган тақдирда ҳам яшай олиши, уларни жадал аквакультура объекти сифатида эътироф этилишига сабаб бўлмоқда ҳамда уларни етиштиришнинг биологик ва технологик асосларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз агросаноат мажмуасининг асосий бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада республикамизда «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ташкил этилиши мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар натижасида, жумладан республикамизда турли турдаги балиқларни сунъий урчитиш, увилдириқ ўстириш, чавоқ етиштириш бўйича сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Шу билан бир қаторда, республикамизда балиқчилик саноати учун истиқболли балиқ тури ҳисобланган африка лаққа балиқларини маҳаллий шароитда ўстиришнинг биологик ва технологик асослари йўналишлари бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, лаққасимонлар (*Clariidae*) оиласи вакиллари урчитишнинг биологик ва технологик асосларини ишлабчиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим

¹Состояние мирового рыболовства и аквакультуры. ФАО, Рим, 2016.

илмий – амалий аҳамият касб этади ва долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 25 октябрдаги 361-сон «Давлат ветеринария хизмати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда кейинги йилларда бирнеча турдаги балиқларни етиштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, оқ дўнгпешона (*Hypophthalmichthys molitrix*), чипор дўнгпешона (*Aristichthys nobilis*), оқ амур (*Stenopharyngodon idella*), карп (*Cyprinus carpio*) балиқ турларининг биологияси ва экологиясини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказилган (Б.Г.Камилов, Р.Б.Курбанов, Т.В.Салихов, Х.Ахмедов, Р.Шоёкубов, И.Халпаев, Ф.У.Кенгерлинский). Лекин республикамизда Африка лаққа балиқларининг биологияси ва уларни етиштириш технологияси ўрганилмаган. Шунингдек дунё микёсида кўпчилик хорижий олимлар, D.Clay, H.Hogendoorn, S.Yalçin, K.Solak, I.Akyurt, S.Çek, E.Yilmaz, A.P.Baidya, R.Dijkema, E.Eding, A.Peter, A.M.Henken, J.Janssen, B.Iswanto, G.J.De Graaf ва бошқалар ушбу балиқларнинг тарқалиши, ривожланиши, жинсий етилиши, шунингдек, турли биологик кўрсаткичлари бўйича изланишлар олиб борганлар. Аммо бу тропик балиқларни ватанидан шимол ҳудудларда етиштиришнинг етарли тажрибаси ҳозирги кунда мавжуд эмас. Бизнинг республикамизнинг иқлим шароитида бу балиқни биологик хусусиятлари чуқур ўрганилиб, уни илмий асосланган самарали етиштириш усули ишлаб чиқилмаган. Бундай усулни ишлаб чиқиш республикамиз шароитида юқори таъм қийматига эга маҳсулот берувчи балиқ етиштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятини кенгайтиради. Бизнинг тадқиқотларимиз балиқчиликда ҳозиргача ўрганилмаган Африка лаққа балиғини етиштиришнинг биологик ва технологик асосларини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, тадқиқотлар натижасида бу балиқнинг маҳсулдорлигини 15–20 кг/м³ га етказиш ва етиштиришни жадаллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқотлар режасининг ҚХА-6-001-2015 «Янги истиқболли интенсив аквакультура объектларини Ўзбекистон шароитида ўзлаштириш» (2015–2017 йй.) ва ҚХАЁ-6-001-2016 «Ёпиқ айланма сув тизимида африка лаққасини қишловдан чиқариш ва чавоқ етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш» (2016–2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида лаққасимонлар (*Clariidae*) оиласига мансуб Африка лаққа балиғини интродукция қилиш, балиқ чавоқларини етиштириш, балиқ маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳамда биологик ва технологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикамиз шароитида Африка лаққасининг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

Африка лаққасини янги урчитиш шароитида пушторлик хусусиятларини (гонадогенез, гаметогенез, пушторлик, сунъий уруғлатириш, увилдирик ўлчамлари) аниқлаш;

Африка лаққасининг эмбрионал ривожланиш кўрсаткичларини ўрганиш;

озиклантириш билан боғлиқ ҳолда ўсиб–ривожланиши ва бошқа кўрсаткичларини ўрганиш;

республикамизнинг йил фасллари ҳамда иқлим шароитларини эътиборга олган ҳолда Африка лаққасини сунъий кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб республикамизда урчитилаётган африка лаққаси (*Clarias gariepinus*) ва ушбу балиқнинг янги иқлим шароитида сунъий кўпайтириш, увилдирик олиш, чавоқларини етиштириш ҳамда бошқа кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Африка лаққасининг морфометрик кўрсаткичлари, эмбриологияси, уларни янги шароитда етилувчанлик (гаметогенез, гонадогенез), пушторлиги, озуқа рецепти ва сунъий кўпайтириш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда умумий қабул қилинган ихтиологик, морфологик, гистологик, зоотехникавий, статистик ва таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудида Африка лаққасини йил фаслларида боғлиқ ҳолда маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва шароитга мослашиш хусусиятлари аниқланган;

турли технологик шароитларда ушбу турга кирувчи балиқнинг жинсий етилиши, пушторлиги, эмбрионал ривожланиши, гормонлардан фойдаланиб сунъий кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилган;

йиртқич тур ҳисобланган Африка лаққасини сунъий шароитда озиклантиришнинг мувофиқлаштирилган рецепти ишлаб чиқилган;

сунъий хавзаларда Африка лаққасини етиштиришнинг жадал технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон шароитида биринчи марта Африка лаққасини етиштиришнинг биологик ва технологик асослари ишлаб чиқилган;

республикамиз шароитида Африка лаққасини жадал ўстиришнинг самарали технологияси илмий асосланган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган;

республикамизнинг Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларидаги сунъий сув хавзаларида ва бассейнларида Африка лаққа балиғини йил фасллари ва иқлим шароитини эътиборга олган ҳолда иқлимлаштириш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий изланишларда замонавий биометрия услубларидан фойдаланиб илмий-амалий аҳамиятга эга натижалар олинган, фарқларнинг ишончлилиқ даражаси аниқланган ва балиқчилик хўжалиқларида Африка лаққасини етиштириш амалиётида улардан фойдаланиш тавсия этилган. Тадқиқотлар натижалари замонавий статистик усулларда таҳлил қилиниб, улар асосида илмий хулосалар шакллантирилган, бу ишнинг ишончлилигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг сунъий сув хавзаларида республикамиз балиқчилик саноати учун истиқболли балиқ тури ҳисобланган лаққасимонлар оиласига мансуб Африка лаққа балиғи (*Clarias gariepinus*) ни интродукция қилиш, биологик хусусиятларининг ўрганилганлиги, жумладан, жинсий етилиши, пуштдорлиги, гормонлардан фойдаланган ҳолда сунъий кўпайтириш, эмбрионал ривожланиши, уларни озиклантириш, ўсиш кўрсаткичларининг биологик ва технологик асосларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мамлакатимизнинг аквакультура шароитида лаққасимонлар (*Clariidae*) оиласига мансуб Африка лаққа балиғини сунъий урчитиш, увилдирик ўстириш, чавоқ етиштириш усуллариининг тадқиқотларда ишлаб чиқилганлиги республикамизнинг балиқчилик соҳасида ишлаб чиқариш жадаллигини ошириш имкониятини беришидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон шароитида Африка лаққа балиғини (*Clarias gariepinus*) етиштиришнинг биологик ва технологик асослари бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

«Истиқболли балиқ турларини етиштириш» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган («Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2017 йил 6 декабрдаги 03/221-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Африка лаққа балиғини интродукция қилиш, ушбу турни етиштиришнинг биологик, технологик асосларини, маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Балиқларни маҳаллий шароитда сунъий урчитиш, тўла қийматли озиклантириш, парваришlash ва ўстириш технологиялари Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус туманидаги «Нукусбалиқ» кўшма корхонасида ҳамда Тўрткўл туманидаги «Антиқа» фермер хўжалигида жорий этилган («Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2017 йил 6 декабрдаги 03/222-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида Африка лаққасини жадал ўстириш 100 м² сув ҳавзаси ҳисобига бу усулда ўстирилган балиқларнинг анъанавий технологияда ўстиришга нисбатан самарадорлиги 13 фоизга ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий кенгашида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, хорижий журналларда 4 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, адабиётлар шарҳи келтирилган, тадқиқотларнинг материал ва услублари ёритилган, шунингдек, тадқиқотларнинг объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, нашр этиш ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг «**Балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлили асосида Африка лаққа балиғининг биологияси, ўзига хос хусусиятлари, умумий морфологияси, тарқалиш ареали, яшаш жойи, ўсиши, жинсий етилиши, пушторлиги, озикланиши, саноатдаги аҳамияти, кўпайиши, сув ҳавзаларида майда чавоқларни ўстириш ва дунёнинг айрим давлатларида Африка лаққасини ўстиришда қўлланиладиган технологияларга оид илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар ўтказилган жой, материал ва услубиёти» деб номланган иккинчи бобида илмий тадқиқотларни ўтказиш жойи, схемаси, тадқиқотларда қўлланилган усул ва услублар баён этилган. Илмий тадқиқотларнинг экспериментал қисми 2015–2017 йиллар давомида Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида ўтказилган. Республикамининг балиқчилик хўжаликларида Африка лаққа балиғининг морфометрик кўрсаткичлари, янги урчитиш шароитида пушторлик хусусиятлари, эмбрионал ривожланиши, озиклантириш билан боғлиқликда ўсиб, ривожланиши, йил фасллари ҳамда иқлим шароитларига боғлиқликда Африка лаққасини сунъий кўпайтиришнинг илмий асосланган технологияси батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «Хусусий тадқиқотлар» деб номланган учинчи бобида хусусий тадқиқотлар натижалари келтирилади. Тадқиқотларда Ўзбекистон шароитида интродукция қилинган Африка лаққа балиғининг морфометрик тавсифи, республикамин шароитида ушбу балиқ турини кўпайтириш, жинсий етилиши, сунъий кўпайтириш, сувнинг турли ҳароратидаги яшовчанлиги, пушторлик ва уруғ ўлчамлари, эмбрионал ривожланиш кўрсаткичлари, турли озукалар билан озиклантирилганда уларнинг ўсиш кўрсаткичлари, турли технологик шароитларда ўстириш натижалари келтирилган.

Африка лаққасининг тана вазни танасининг стандарт узунлигига боғлиқлиги аниқланди ва буни қуйидаги 1–расмдан ҳам кўриш мумкин.



1-расм. Африка лаққасининг тана вазни танасининг стандарт узунлигига боғлиқлиги

1 расмдан кўринишича, африка лаққасининг стандарт узунлиги 24 см-гача бўлганда унинг танаси оғирлиги 200 граммни, танасининг стандарт узунлиги 40 см-гача бўлганда тана оғирлиги 600 граммни ташкил этади, танасининг стандарт узунлиги 50 см бўлганда, тана оғирлиги 1 килограммдан

ошиб боради. Бу маълумотлар африка лаққасининг тана оғирлиги узвий равишда тансининг стандарт узунлигига боғлиқлигидан далолат беради.

Тадқиқотларда олинган натижалар Африка лаққасининг юртимизнинг ўзига хос иқлим шароитида танаси стандарт узунликка эга бўлганлигидан ва унинг тана вазни ушбу узунлик билан узвий боғлиқлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Африка лаққасини сунъий етиштиришда сув ҳароратини мақбул (26–28°C) кўрсаткичда бўлиши ва етарлича озиклантирилганда меъёрида ўсиб – ривожланиши таъминланиши аниқланди.

Биз жинсий етилмаган ва етилган Африка лаққасининг морфометрик кўрсаткичларини ўргандик, унинг натижалари 1–жадвалда келтирилади.

1-жадвал

Жинсий етилмаган ва етилган Африка лаққасининг мутлақ морфометрик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Жинсий етилмаган (n = 34)		Жинсий етилган (n=36)	
	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	<i>Limit</i>	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	<i>Limit</i>
SL, см	17,46±0,1 5	13–23,5	37,6±1,15	24–49
W, г	66,86±7,0	21–146	582,0±44,0	184–1050
TL, см	20,54±0,7	15–26,5	43,5±1,26	28–55
HL, см	4,70±0,2	3–6,5	9,5±0,32	6,5–13,5
OPD, см	1,24±0,04	1–1,5	2,6±0,07	2–3
PPEL, см	3,80±0,1	3–5,5	7,7±0,27	5–10
PDL, см	5,94±0,2	4–8	12,1±0,38	8,5–16,5
PPL, см	7,70±0,2	5,7–11	16,5±0,49	10,5–22
PAL, см	8,80±0,3	6,2–12,5	19,4±0,69	12,5–27
DFL, см	10,67±0,4	8–14,5	24,1±0,79	14,5–31,5
AFL, см	6,92±0,2	5–10	16,6±0,50	10,5–21

1–жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, жинсий етилган Африка лаққасининг стандарт узунлиги, танасининг оғирлиги ва умумий узунлиги, бошининг узунлиги ҳамда бошқа ўрганилган кўрсаткичлар, шунингдек бу кўрсаткичларнинг вариацияси жинсий етилмаган балиқларниқидан сезиларли юқори бўлганлиги аниқланди.

Тадқиқотларда жинсий етилган 8 ойликдан юқори Африка лаққасининг танасининг стандарт узунлиги (SL) жинсий етилмаган 8 ойликкача бўлган балиқлар кўрсаткичига нисбатан 20,14 см, тана вазни (W) 515,14 г, танасининг умумий узунлиги (TL) 22,96 см, бошининг олд узунлиги (HL) 4,8 см, бошининг уст қисмининг узунлиги билан бел сузгичи бошланишигача бўлган масофа (OPD) 1,36 см, бош қисмининг бошланишидан 1 сузгичгача бўлган масофа (PPEL) 3,9 см, бош қисмининг бошланишидан бел сузгичларигача бўлган масофа (PDL) 6,16 см, бош қисмининг бошланишидан остки сузгичларгача бўлган масофа (PPL) 8,8 см, бош қисмининг бошланишидан дум сузгичини бошланишигача бўлган масофа (PAL) 10,6 см, бел сузгичларининг бошланишидан дум сузгичларигача бўлган масофа (DFL)

13, 43 см, остки сузгичларининг бошланишидан дум сузгичигача бўлган масофа (AFL) 9,68 см жинсий етилмаган балиқларнинг ушбу кўрсаткичларидан юқори бўлганлиги аниқланди. Бу маълумотлар жинсий етилган Африка лаққасининг мутлақ морфометрик кўрсаткичлари жинсий етилмаган балиқларникидан сезиларли даражада юқори бўлганлиги ҳамда яхши даражада ўсиш, ривожланишга эга бўлганлигидан далолат беради.

Бизнинг тадқиқотларимизда Африка лаққасининг I репродукциядаги жинсий етилмаган ва етилганларининг морфометрик кўрсаткичлари ҳам ўрганилди (2 –жадвал).

2–жадвал

I репродукциядаги жинсий етилмаган ва етилган Африка лаққасининг нисбий морфометрик кўрсаткичлари (танасининг стандарт узунлигига нисбатан, %)

SL–га нисбатан, %	Жинсий етилмаган		Жинсий етилган	
	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	<i>Limit</i>	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	<i>Limit</i>
TL	112,8±0,46	109,3–115,6	116±0,51	111,1–125
HL	26,8±0,31	23,1–30,8	25,3±0,22	22,1–27,6
OPD	7,1±0,11	6,3–9,4	6,9±0,13	5,6–8,6
PPEL	21,8±0,16	20,5–23,4	20,4±0,21	17,2–22,9
PDL	34±0,28	30,8–38,5	32,2±0,25	27,9–35,4
PPL	44,2±0,37	41–50	44±0,31	40,9–48,4
PAL	50,3±0,73	43,2–59	51,4±0,35	46,6–55,1
DFL	61±0,43	55,9–65,8	63,8±0,23	60,3–67,1
AFL	39,9±0,59	31,3–48,1	44,3±0,24	41,2–46,7

Олинган маълумотларда Африка лаққасининг ёшининг ўзгариши билан танасининг стандарт узунлигига нисбатан тана узунлиги ҳам ортиб борди. Бунда балиқнинг боши билан танаси ўртасидаги масофаси ҳамда боши билан бел сузгичлари ўртасидаги масофа ҳам ўзгармади, аммо танасининг умумий узунлиги ўзгариб борганлиги кузатилди.

2–жадвалдан кўринишича, I репродукциядаги жинсий етилган ва етилмаган африка лаққаси танасининг стандарт узунлиги ўртасида кескин фарқ кўзга ташланмади. Жумладан, жинсий етилган балиқларнинг умумий узунлиги жинсий етилмаган балиқларникидан ўртача 3,8 см, балиқ бошининг бошланишидан дум сузгичларигача бўлган масофа 1,1 см, бел сузгичларининг бошланишидан дум сузгич бошланишигача бўлган масофа 2,8 см, остки сузгичларнинг бошланишидан дум сузгичигача бўлган масофа 4,2 см юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Жинсий етилган ва етилмаган балиқларнинг бошқа морфометрик кўрсаткичлари ўртасида кескин фарқ кузатилмади. Бу маълумотлар I репродукциядаги Африка лаққаси бизнинг шароитимизга яхши мослаша бошлаганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг “Африка лаққасининг пуштдорлиги” бўлимида ушбу балиқнинг пуштдорлик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

келтирилган ва бу балиқ Ўзбекистон шароитида сунъий очик хавзаларда ўстирилганда вегетация даврида (апрель ойидан бошлаб) 8 ойилгида тана вазни 185–200 г. ни ташкил этганда жинсий етилиши аниқланган.

Африка лаққаси сунъий уруғлантирилганда ва Вейс аппаратида увилдириғи инкубация қилинганда оталаниш даражаси 88 фоиз, личинкалари чиқими 78 фоизни ташкил этди.

Африка лаққаси урғочиларининг жинсий маҳсулоти уларнинг тана вазнига боғлиқлиги ва бу икки кўрсаткич ўртасида узвий боғлиқлик аниқланган. Бу балиқнинг тана вазни 500 г бўлганда жинсий маҳсулоти оғирлиги 20 граммдан биров юқори ва тана вазни 700 граммни ташкил этганда жинсий маҳсулоти оғирлиги 45 граммга баробар бўлиб, олинган натижалар бу икки кўрсаткич ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради. Урғочи балиқларда мутлақ индивидуал пуштдорлик 8,69–42,05 минг увилдирикни ташкил этди ва йирик балиқларда бу кўрсаткич ошиб борганлиги қайд этилди.

Тадқиқотларда урғочи балиқларнинг мутлақ индивидуал пуштдорлиги танасининг умумий оғирлигига боғлиқлиги аниқланди. Жумладан, тана вазни 500 грамм бўлганда мутлақ индивидуал пуштдорлик 24 минг увилдирикни, тана вазни 700 грамм бўлганда 40 минг увилдирикни ташкил этди.

Африка лаққасининг жинсий етилган урғочиларининг жинсий маҳсулотида етук увилдирикларнинг ўлчамлари 0,9–1,2 мм га баробар бўлди ва бу кўрсаткич балиқ ўлчамига боғлиқ эмаслиги аниқланди ҳамда у мазкур балиқ турига хос кўрсаткич ҳисобланади.

Урғочи балиқларда индивидуал ишчи пуштдорлик уларнинг умумий вазнига боғлиқлиги кузатилди. Тана вазни 1200 грамм бўлганда индивидуал ишчи пуштдорлик 80 минг увилдирикдан биров юқори, тана вазни 1400 грамм бўлганда бу кўрсаткич 120 минг увилдирикни ташкил этди, умумий тана вазни 1600 граммга яқинлашганда бу кўрсаткич 135 мингдан ошди.

Урғочи балиқнинг ҳар 1 грамм умумий тана вазнига нисбатан овуляция қилинган увилдирикларнинг мазкур кўрсаткичи 76,5–96,4 (ўртача 87,1) увилдирикни ташкил этди ва бу кўрсаткич балиқнинг ўлчамига боғлиқ бўлмаганлиги кузатилди. Олинган маълумотлар африка лаққасининг урғочиларида ишчи пуштдорлик бизнинг шароитимизда физиологик меъёр талаблари даражасида бўлганлигини кўрсатади.

Биз майда чавоқларнинг ўсиш кўрсаткичларига турли таркибга эга озуқаларнинг таъсирини ҳам ўргандик. Тадқиқотларда қуйидаги таркибдаги озуқалардан фойдаланилди (3–жадвал).

3–жадвал маълумотларнинг кўрсатишича, майда чавоқларни ўстиришда фойдаланилган озуқалар таркибида биров фарқ мавжудлиги кўзга ташланади. Масалан, FM 100 озуқасининг таркибида балиқ унининг салмоғи юқори кўрсаткичга эга ва бу кўрсаткич бошқа озуқалар таркибидаги кўрсаткичлардан 14,5–43,5 фоиз юқори бўлди, FM 0 озуқа таркибида эса балиқ уни умуман мавжуд эмас эди.

3-жадвал

Африка лаққасининг майда чавоқларини ўстиришда фойдаланилган озуқаларнинг таркиби (1-тажрибада, %)

Ингредиентлар	Озуқалар				
	FM100 (назорат)	FM75	FM50	FM25	FM0
Балиқ уни	58	43.5	29	14.5	0
Ипак қурти ғумбагининг оксили	0	14.5	29	43.5	58
Соя шроти	18.4	18.4	18.4	18.4	18.4
Кунгабоқар шроти	5.5	5.5	5.5	5.5	5.5
Буғдой кепаги	10.1	10.1	10.1	10.1	10.1
Ўсимлик ёғи	6	6	6	6	6
Премикс	2	2	2	2	2
Жами, %	100	100	100	100	100

FM 100 озуқа таркибида ипак қурти ғумбагининг оксили мавжуд эмаслиги кўзга ташланади ва унинг салмоғи FM 0 озуқаси таркибида 58 фоизни ташкил этди ва бу кўрсаткич бошқа озуқалар таркибидаги кўрсаткичлардан 14,5 дан 43,5 фоизгача юқори бўлди. Бошқа озуқалар салмоғи бир ҳил кўрсаткичларни ташкил этди.

4-жадвал

Турли рецептурага эга озуқалардан фойдаланилганда Африка лаққасининг ўсиш кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	Озуқалар				
	FM100	FM75	FM50	FM25	FM0
Танасининг бошланғич оғирлиги, г	2,2±0,11	2.3±0,11	1,7±0,13	1,3±0,09	2,3±0,09
Танасининг якуний оғирлиги, г	5,8±0,22	7.8±0,55	9,0±0,81	6,5±0,53	6,8±0,42
Танасининг ортган оғирлиги, г	3,6±0,11	5,4*±0,44	6,7*±0,67	4,2±0,44	4,3±0,43
Танасининг нисбий оғирлиги, г/сутка	0,09	0,13*	0,16*	0,10	1,11
Ўсишининг солиштира тезлиги (% / сутка)	2,5	3,0	4,0*	3,5	3,8*
Озуқавий коэффиценти	1,8	1,6	1,2*	1,5	1,4*
Протеиндан фойдаланиш коэффиценти (PER)	1,4	1,6	2,1*	1,6	1,8*
*назоратга нисбатан фарқлар ишончлилиги ҳақиқий (P> 0.05)					

Африка лаққасининг майда чавоқларини ўстиришда юқорида келтирилган рецептлардан фойдаланиш уларнинг яхши даражадаги ўсишини таъминлади ва улар куйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланди (4–жадвал).

4–жадвал маълумотларнинг кўрсатишича африка лаққасининг танасининг орттирган оғирлиги ва нисбий ўсиши FM 50, FM 100, FM 75 гуруҳларда юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди, аммо гуруҳлараро фарқлар ишончлилиги кузатилмади.

Тадқиқотларда энг юқори ўсиш тезлигига FM 50 озуқасидан фойдаланган балиқлар эришди ва уларнинг мазкур кўрсаткичи бошқа гуруҳлардаги балиқларникидан 0,2–1,5 %/суткадан юқори бўлди. FM 50 озуқаси билан ўстирилган балиқлар нисбатан 0,2-0,6 паст озуқа коэффициентига ва 0,3-0,7 протеиндан фойдаланиш юқори коэффициентига эга бўлдилар. Аммо FM 25 ва FM 0 озуқалар билан ўстирилган балиқларда нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилди, бу маълумотлар озуқаларнинг сифати сезиларли даражада балиқларнинг ўсишига таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Биз турли гуруҳлардаги балиқларнинг танасининг ўсиш динамикасини ҳам ўргандик, унинг натижалари 2–расмда ўз ифодасини топган.



2-расм. Турли гуруҳлардаги балиқлар танасининг ўсиш динамикаси

Тадқиқотларимизда Африка лаққасининг энг юқори ўсиш динамикаси FM 50 омухта озуқасидан фойдаланилганда кузатилди. Бу гуруҳда ушбу озуқалар билан озиқлантирилган балиқларнинг танасининг оғирлиги 42 кундан кейин 9 граммга яқинлашди ва бу кўрсаткич бошқа озуқалар билан озиқлантирилган балиқлар кўрсаткичидан юқори бўлди.

Тадқиқотлар FM 75 озуқа билан ўстирилган балиқлар 28 кунлигигача бошқа гуруҳлардаги балиқларга нисбатан юқори ўсиш энергиясига эга бўлди, аммо ушбу муддатдан сўнг FM 50 озуқасида ўстирилган балиқларда тана вазни бошқа гуруҳларникидан юқори бўлганлиги аниқланди. 2–расмдан

кўринишича, FM 0 озуқасида ўстирилган балиқлар ушбу муддатда нисбатан паст кўрсаткичларга эга бўлганлиги кўзга ташланади.

Биз тадқиқотларимизда балиқларнинг ўсиш кўрсаткичларига 5 та рецептурадаги озуқаларнинг таъсирини ўргандик. Бундай озуқалар таркибида протеин миқдори 25, 30, 35, 40, ва 45 фоизни ташкил этди ва улар таркибида протеин манбаси бўлиб асосан балиқ уни ва ипак қурти ғумбагининг оксили аралашмаси бўлди. Ушбу озуқаларнинг таркиби 5–жадвалда келтирилади.

5-жадвал

Африка лакқасини озиқлантиришда фойдаланилган 5 рецептурадаги озуқалар (2–тажриба, %)

Ингредиентлар	Озуқалар				
	P25	P30	P35	P40	P45
Балиқ уни	6,5	10,7	18,4	21,9	25
Ипак қурти ғумбагининг оксили	6,5	10,7	18,4	21,9	25
Соя шроти	13	21,4	7,1	14,6	7,2
Кунгабоқар шроти	13	4,2	11,3	4	17,4
Буғдой кепаци	53	45	36,8	29,6	17,4
Ўсимлик ёғи	6	6	6	6	6
Премикс	2	2	2	2	2
Жами, %	100	100	100	100	100

Бу тажрибада P 40 рецептурадаги озуқа назорат сифатида фойдаланилди ва қолган озуқалар таркибидаги протеинни ҳисобга олиб: P 25, P 30, P 35, P 40 ва P 45 деб белгиланди.

5–жадвалдан кўринишича, энг юқори балиқ уни салмоғи P 45 озуқасида бўлди ва унинг кўрсаткичи бошқа гуруҳларникидан 3,1–18,5 фоизгача юқори бўлди. Ипак қурти ғумбаги оксилининг улуши ҳам P 45 озуқасида бошқа гуруҳларникидан 3,1–18,5 фоизгача юқори бўлди.

P 30 озуқада соя шротининг салмоғи бошқа гуруҳлардаги кўрсаткичлардан 6,8–14,3 фоиз, кунгабоқар шроти улуши ушбу озуқада 3,4 – 13,4 фоиз бошқа гуруҳларникидан юқори бўлди.

P 25 озуқада кепак улуши бошқа гуруҳларникидан 8–35,6 фоизгача юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди.

Ушбу рецептурадаги озуқалар қўлланилганда, африка лакқаси куйидаги ўсиш кўрсаткичлари билан тавсифланди (6 жадвал).

Тадқиқотларимизда африка лакқасини танасининг ўсиш тезлиги бевосита озуқаларнинг таркибига боғлиқлиги аниқланди. Энг юқори ўсиш қувватига P 35, шунингдек P 30 ва P 40 озуқалар билан ўстирилган ёш чавоқлар эга бўлдилар, нисбатан паст кўрсаткичлар P 25 ва P 45 рецептурадаги озуқалар билан озиқлантирилган ёш чавоқларда кузатилди.

Тадқиқотларда якуний тана вазни ва танасининг қўшимча ортирган вазни P 35 озуқа билан ўстирилган ёш чавоқларда бошқа гуруҳлардагиларга

нисбатан тегишли тарзда 2,56; 2,03; 0,41 ва 3,0 г, танасининг орттирган вазни 1,26; 0,23; 0,11 ва 2,0 г Р 25, Р 30, Р 40, ва Р 45 озуқалар билан ўстирилган чавоқларниқидан юқори бўлди. Р 35 озуқа билан ўстирилган ёш чавоқлар тана вазнининг юқори ўсиш тезлигига эга бўлдилар. Р 35, Р 30, ва Р 40 озуқалар билан ўстирилган ёш чавоқлар энг юқори ўсиш энергиясига ҳамда Р 25 ва Р 45 озуқаларда ўстирилган ёш чавоқлар нисбатан паст ўсиш энергиясига эга бўлганлиги аниқланди. Бу маълумотлар африка лакқаси танасининг ўсиш суръати озуқаларнинг тўйимлилиқ қийматига боғлиқлигидан далолат беради.

6-жадвал

Африка лакқасининг майда чавоқларини турли озуқаларда озиқлантирилганда ўсиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Озуқалар				
	Р25	Р30	Р35	Р40 (назорат)	Р45
Танасининг бошланғич оғирлиги, г	3,7± 0,17	3,2± 0,18	5,0± 0,18	4,7±0,17	4,0± 0,27
Танасининг якуний оғирлиги, г	6,87± 0,41	7,4± 0,87	9,43± 0,38	9,02±0,48	6,43± 0,94
Танасининг ортган оғирлиги, г	3,17*±0 ,38	4,2± 0,83	4,43± 0,38	4,32±0,52	2,43*± 0,92
Танасининг нисбий оғирлиги, г/сутка	0,45*	0,6	0,63	0,6	0,35*
Ўсишининг солиштирма тезлиги (% / сутка)	0,89	1,2	0,91	0,92	0,74
Озуқавий коэффиценти	1,38	1,04*	1,32	1,34	1,77
Протеиндан фойдаланиш коэффиценти (PER)	2,93*	3,26*	2,17*	1,88	1,33
*назоратга нисбатан фарқлар ишончилиги ҳақиқий (P> 0.05)					

Диссертациянинг “Ўзбекистон шароитида очик сув ҳавзаларида африка лакқасининг ўсиши” бўлимида африка лакқасининг жадал ўстириш шароитларида етиштириш натижалари келтирилган. Бу балиқни республикамизнинг ички бозорда мавжуд ўзимизда етиштирилган озуқалар билан озиқлантирилганда, унинг вегетация даврида тана вазни 0,9-1,0 кг, балиқ маҳсулдорлиги 15–20 кг/м³ ни ташкил этади. Бу маълумотлар мазкур балиқ турини республикамизнинг очик сунъий сув ҳавзаларида урчитиш самарадорлигидан далолат беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистоннинг турли географик шароитларида Африка лаққасининг жинсидан қатъий назар, жинсий етилиши меъёр талаблари даражасида кечади. Африка лаққасида оогенез 5 босқичда кечади. Гонадларнинг ривожланишини етукликнинг 6 балли шкалада баҳолаш мақбул ҳисобланади.

2. Ўзбекистоннинг географик шароитларида Африка лаққасини очик ҳавзаларда ўстиришнинг вегетация даврида биринчи жинсий етилиши 8 ойлигида кузатилади, бунда урғочи лаққалар 28–30 см узунликка ва 185–200 г тана вазнига, эркеклари тегишли равишда 26–28 см ва 180–185 г кўрсаткичларга эга.

3. Африка лаққасининг икриси инкубацияси “Вейс” аппаратида амалга оширилади. Ёриб чиққан личинкаларнинг узунлиги 4,1–4,6 мм. ни ташкил этади. Личинкалар 3 кундан сўнг аралаш озикланишга ўтадилар.

4. Африка лаққаси ҳаётининг 2 йилида гипофизар инъекция усулини қўллаб кўпайтирилганда, олинган увилдирик оғирлиги ўртача 142,5 граммни ташкил этиб, у 80,5 граммдан 209,3 граммгача боради ва балиқ танаси ўлчамига боғлиқ ($r=0,99$). Бу лаққанинг урғочиларида индивидуал пуштдорлик ўртача 110,4 мингни ташкил этиб, у 71,8 мингдан 149,6 минггача боради, йирикларида бу кўрсаткич ошиб боради ($r=0,96$).

5. Ўзбекистон шароитида Африка лаққасининг ривожланиши карп, дўнгпешона балиқларига нисбатан сезиларли даражада юқори кечади. Бу африка лаққасининг ўзига хос биологик хусусиятлари билан боғлиқ. Бу балиқнинг личинкаларининг ёриб чиқиши сув ҳарорати 24–26°C бўлганда 1 суткадан кейин амалга ошади. Улар 2 сутка 11 соатдан сўнг ташқи озикланишга ўтади.

6. Африка лаққасини ҳайвонот оқсиллига эга манбалардан фойдаланиб тайёрланган озуқалар билан озиклантирилганда балиқларнинг ўсиш тезлиги юқори бўлди. Озуқалар таркибида 25–45% протеинга эга озуқалар билан етиштирилганда, Африка лаққаси тез етилади, бунга эришишда энг мақбул 39–41% протеинга эга озуқалар ҳисобланади.

7. Ипак қурти ғумбагининг оқсили балиқ уни ўрнини қисман босишда энг тўйимли ва оқсилга бой манба ҳисобланади. Бунда энг самарали аралашма балиқ уни ва ипак қурти ғумбагининг 1:1 нисбати ҳисобланади.

8. Африка лаққасининг анъанавий усулда карп турдаги балиқларга хос 13–20% оқсилли озуқалардан фойдаланиб етиштирилганда сентябрь ойига келиб уларнинг вазни 250 граммга етади. Ҳавзаларда балиқ маҳсулдорлиги 170 ц/га. ни ташкил этади, ҳолбуки карп балиғи турларида бу кўрсаткич 20–25 ц/га тенг.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017 Qx/V.12.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ И НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЖИВОТНОВОДСТВА И
ПТИЦЕВОДСТВА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ЖИВОТНОВОДСТВА И ПТИЦЕВОДСТВА**

КУРБАНОВ АБДУЛЛА РУХУЛЛАЕВИЧ

**БИОЛОГИЧЕСКИЕ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ
КУЛЬТИВИРОВАНИЯ АФРИКАНСКОГО СОМА (CLARIAS
GARIEPINUS) В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА**

**06.02.03 – Частная зоотехния. Технология производства продуктов
животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Самарканд –2018

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирован в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Qx74.

Докторская диссертация (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте животноводства и птицеводства.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета DSc.27.06.2017 Qx/V.12.02 при Самаркандском сельскохозяйственном институте (www.samqxi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet.uz»(www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Аширов Мурадилла Ишанкулович,
доктор сельскохозяйственных наук,
профессор.

Официальные оппоненты:

Холмирзаев Дустмухаммад,
доктор сельскохозяйственных наук,
профессор.

Рузиев Рахмонкул Истамович,
кандидат сельскохозяйственных наук.

Ведущая организация:

Ташкентский государственный
аграрный университет.

Защита состоится «___» _____2018г. в _____ часов на заседании научного Совета DSc.27.06.2017 Qx/V.12.02 при Самаркандском сельскохозяйственном институте и Научно-исследовательском институте животноводства и птицеводства по адресу: 140103, г. Самарканд, ул. М.Улугбека 77, Самаркандский сельскохозяйственный институт. Тел.: +99866 234-07-86 e-mail: sai_info2@edu.uz

С докторской диссертацией можно ознакомиться в информационно – ресурсном центре Самаркандского сельскохозяйственного института (зарегистрирована за №_____) Автореферат диссертации разослан «___» _____2018 г.
(протокол рассылки №___ от «___» _____2018г.)

Р.Б.Давлатов,

Председатель научного совета по присуждению
Учёной степени, д.вет.н., профессор.

А.С.Даминов,

Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёной степени, д.вет.н., доцент.

Ш.Р.Умаров,

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёной степени, д.с.-х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. Увеличение производства рыбы и развитие рыбоводства в Узбекистане необходимо для обеспечения продовольственной безопасности страны и повышения жизненного уровня населения, создания новых рабочих мест и устойчивого хозяйствования в отрасли. В настоящее время рыбная промышленность во многих странах мира обеспечивает занятость миллионов людей и является важным источником экономического развития, в связи с чем развитие отрасли является актуальной задачей. По данным Продовольственной и Сельскохозяйственной Организации (ФАО) при Организации Объединенных Наций (ООН), в 2014 году в мире произведено 167,2 млн тонны рыбной продукции, из которых 93,4 млн путем вылова и 73,8 млн тонн произведено в аквакультуре¹.

В мировом масштабе в настоящее время расширены исследования по фауне рыб и они направлены на разработку биологических и технологических приемов культивирования разных видов рыб для производства, на изучение состава вида, адаптацию условий разведения, определение воспроизводительных свойств. Особый интерес представляет африканский сом (*Clarias gariepinus*) из семейства сомовых (*Clariidae*), который встречается в разных континентах мира и культивируется в искусственных водоемах. Этот сом отличается высокой скороспелостью, при уплотненном содержании специальные наджаберные органы обеспечивают его кислородом из атмосферного воздуха и они способны выживать при минимальном содержании кислорода в воде и эти ценные качества характеризуют их важным объектом для аквакультуры, в связи с чем разработка биологических и технологических основ их культивирования представляет важное научно-практическое значение и является актуальным.

